

**“САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КАТТАҚҮРҒОН ШАҲРИ ИЧИМЛИК СУВ ВА
ОҚОВА СУВ ТОЗАЛАШ ИНШООТЛАРИ ВА ОҚОВА ТИЗИМЛАРИ
РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ” ЛОЙИҲАСИ**

Асос:	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 10 мартағи ПҚ-159-сон қарори
Амалга ошириш муддати:	2022-2026 йиллар
Қарз битими:	2021 йил 17 майда 6555-UZ-сон
Лойиҳа қиймати:	79,3 млн доллар, шундан: - 66,0 млн доллар (83,2%) Жаҳон банки маблағи; - 13,3 млн доллар (16,8%) Ўзбекистон ҳиссаси.
2022 йил ўзлаштириш режаси:	4,0 млн доллар

Амалга ошириладиган ишлар

- 1 та сув олиш иншоотини реконструкция қилиш;
- 1 та сув тақсимлаш иншоотини реконструкция қилиш;
- 1 та насос иншоотини реконструкция қилиш;
- 19 км сув тақсимлаш тармоқларини реконструкция қилиш;
- 45 км янги сув тақсимлаш тармоқларини қуриш;
- 39,2 км ўзи оқар оқова сув тармоқларини қуриш;
- 0,8 км босим оқова сув тармоқларини қуриш;
- 8,9 км ўзи оқар оқова сув коллекторларини реконструкция қилиш;
- 50 та ўзи оқар коллекторли қудуқларни реконструкция қилиш;
- 1 та оқова сув насос станциясини қуриш;
- 1 та қуввати 20 000 м³/суткалик оқова сув тозалаш иншооти қуриш;
- “Сепки-Ингичка” сув қувурида оралиқ насос иншоотини қуриш;
- “Сепки” сув қувуруни реконструкция қилиш;
- Тоза сув сақлаш резервуари ҳамда насос иншоотини реконструкция қилиш.

Шу жумладан худудлар кесимида:

Каттақүрғон шаҳрида

Сув таъминоти ўйналишида

- “Муртоқ” сув олиш иншоотини реконструкция қилиш;
- “Кўрпа” сув тақсимлаш иншоотини реконструкция қилиш;
- Учинчи қўтариш насос иншоотини реконструкция қилиш;
- 19 км сув тақсимлаш тармоқлари ҳамда сув қувурларини реконструкция қилиш;
- 45 км янги сув тақсимлаш тармоқларини қуриш.

Оқова сув хизмати ўйналишида

- 39,2 км ўзи оқар оқова сув тармоқларини қуриш;
- 0,8 км босим оқова сув тармоқларини қуриш;

- **8,9 км** ўзи оқар оқова сув коллекторларини реконструкция қилиш;
- **50 дона** ўзи оқар коллекторлы қудуқларни реконструкция қилиш;
- **1 дона** оқова сув насос станциясини қуриш;
- **20 000 м³/сутка** қувватли оқова сув тозалаш иншоотларини қуриш.

Ингичка шаҳарчасида:

Сув таъминоти йўналишида

- “**Сепки-Ингичка**” сув қувурида оралиқ насос иншоотини қуриш;
- “**Сепки**” сув қувурини реконструкция қилиш;
- Тоза сув сақлаш ҳавзаси ва насос иншоотини реконструкция қилиш.

Эришиладиган натижа

Каттақўрғон шаҳрининг жами **27** та МФЙда истиқомат қилувчи **85,6 минг нафар** аҳолисига марказлашган хизматлари қўрсатиласди ҳамда шаҳарнинг санитар-эпидемиологик ҳолати яхшиланади. Натижада, таъминланганлик дараҷаси:

- ичимлик суви таъминоти бўйича **71,6 фоиздан 93,0 фоизга**;
- оқова суви таъминоти бўйича **29,2 фоиздан 52,0 фоизга** етади.

Инвестицияларни ўзлаштириш ҳолати

2022 йилнинг **январь-ноябрь** ойларида **0,7 млн.долл.** қарз маблағлари ўзлаштирилиши белгиланган бўлиб, амалда **0,7** млн.доллар ўзлаштирилди ва топшириқ ижроси **100** фоизга бажарилди.

Жорий ҳолати

2022 йил 10 марта техник-иқтисодий асос тасдиқлангандан сўнг қайта кредитлаш битими имзоланди, 31 март куни Адлия вазирлигининг юридик хулосаси олиниб, 2021 йил 17 майда имзоланган Қарз битими кучга кирди.

“Ўзсувтатъминот” АЖнинг Жаҳон банки лойиҳаларини бошқариш гурӯҳи филиали расман жорий йилнинг 20 июнь куни ташкил этилди.

Айни пайтда **сув таъминоти** ва **оқава сув хизматлари** бўйича **батафсил муҳандислик лойиҳалаш ва смета ҳужжатларини ишлаб** чиқиши учун консультант компанияни аниқлаш ишлари амалга оширилмоқда.

2022 йил 7 июнда ўтказилган Харид комиссияси йиғилиши қарорига кўра, ўз таклифларини тақдим этган 32 та компанияни “**қисқа рўйхат**” критерияси асосида баҳоланди. **18 августда** Комиссия қарорига кўра 8 та компаниядан иборат “қисқа рўйхат” шаклланиб, **29 августда** Жаҳон банкига келишиш учун юборилган. Ҳозирги кунда ушбу “қисқа

рўйхат” Жаҳон банки томонидан кўриб чиқилиб, эътиrozлар берилди. Билдирилган эътиrozлар бартараф этилган ҳолда 10 ноябрда Жаҳон банкига қайтадан юборилди.

Лойихани бошқариш бўйича консультант компанияси танлашини бошлаши учун Техник топшириқ ТИТК (ОНТС) томонидан кўриб чиқилиб тегишли йифилиш Баёни тасдиқланди (2022 йил 12 сентябр, №10) ва 2022 йил 14 октябрда Жаҳон банки билан келишилди.

Шунингдек, 2 ноябрда Харид комиссия йифилиш баёни билан консультант компанияни танлаш учун “қизиқиш билдирувчиларга сўров” матни, “қисқа рўйхат”ни тузиш учун шартлар, “қизиқиш билдирувчиларга сўров”ни баҳолаш учун ишчи гурӯҳи таркиби маъқулланди.

Шу йил 10-11 ноябрь кунлари UNDB махсус платформаси, “Ўзсувтаъминот” АЖ ва tenderweek.com сайtlари ҳамда “Правда Востока” газеталарида “қизиқиш билдирувчиларга сўров” бўйича эълон матни жойлаштирилди.